

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ

Ганиев Абдумумин Каххарович¹,

Botirova Laziza Axmatovna²

¹Тошкент фармацевтика институти,

Фармакогнозия кафедраси профессори, фарм.ф.н., профессор

²Гулистон давлат университети Доривор ўсимликлар

ва ботаника кафедраси мудири, доцент

Долзарблиги. Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳамда қайта ишлашни ташкил этиш, доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларини барпо этишни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда доривор ўсимликларни кенг қўллаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-251-сон қарори қабул қилинди (1). Қарорда 2023 йилда Сирдарё вилоятида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш учун жами 251 гектар, шундан 43 гектар ўрмон фонди ерлари ҳамда 208 гектар фермер ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ер майдонларини ажратиш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган:

Жадвал №1

Республикаси ва Сирдарё вилоятининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Т/р | Худудлар номи | 2022 йил | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил | 2026 йил |
|-------------------|--------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| | Республика бўйича, гектар | | | | | |
| | Сирдарё вилояти бўйича, гектар | | | | | |
| Туманлар кесимида | | | | | | |
| | Боёвут | | | | | |
| | Ховос | | | | | |

Ушбу қарорга мувофиқ, 2022 — 2026 йилларда вилоятлар ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвал №2

2022 — 2026 йилларда Сирдарё вилояти ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Т/р | Ўрмон хўжаликлар номи | 2022 й | 2023 й | 2024 й | 2025 й | 2026 й |
|-----|-------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|
| | Республика бўйича | | | | | |
| | Сирдарё вилояти бўйича | | | | | |
| | Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги | | | | | |

Жадвалларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Сирдарё вилояти доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳамда қайта ишлашни ташкил этиш бўйича республикада кейинги ўринларда қайд этилади. Ушбу ҳолатни тубдан яхшилаш учун қарорнинг доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда аҳоли ўртасида ундан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириб бориш зарур.

Мавзу доирасидаги таҳлиллар. Мазкур қарорда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйишда қатор имтиёз берилган бўлиб, аҳоли томорқаларида «бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида доривор ўсимликларни етиштиришни кооперация усулида ташкил қилиш ҳам белгиланган. Бироқ, бу рўйхатда Сирдарё вилоятининг бирорта тумани қайд этилмаган. Ваҳоланки, шўрланган тупроқларда доривор ўсимликларни етиштириш имкониятлари илмий жиҳатдан мукамал ўрганилган (2). Боз устига, вилоятнинг Янгиер туманида “Обод юрт боғлари” фермер хўжалигининг 5 гектар ер майдонда наъматак, годжи, бодом каби доривор ўсимликлар етиштириб келинмоқда. Шу билан бир қаторда, Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари билан илмий ҳамкорликда, фермер хўжалигида заъфарон ва шанбала каби ўсимликларни етиштириш устида илмий тажрибалар олиб борилмоқда.

Шунингдек, доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда аҳоли ўртасида ундан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича қарорнинг «Йўл харитаси»да аҳоли томорқаларида «бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида доривор ўсимликларни етиштиришни

кооперация усулида ташкил қилиш бўйича салоҳиятли ташаббускорларни аниқлаш, малака ошириш курсларини ташкил қилиш орқали ишсиз аҳолини соҳага жалб қилиш кўзда тутилган. Қарорда ишлаб чиқарувчилар, доривор ўсимликлар кластерларининг таклифлари асосида амалга ошириладиган илмий лойиҳалар йўналишларини аниқлаш ва улар асосида илмий лойиҳалар портфелини шакллантириш ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги грантлари асосида илмий ишланмаларни амалга ошириш вазифаси белгиланган. Бундай илмий ишланмалар сифатида Сирдарё вилояти шароитида табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлардан бири – тиканли ковул ўсимлигидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш мумкин (3).

Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича республикада қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2023 йилнинг 24-28 апрель кунлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар маркази (ISCAD) ҳамда Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси томонидан Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (AKIS)да "Аҳоли томорқаларида доривор ўсимликларни етиштириш ва бирламчи қайта ишлашни ташкил этиш" мавзусида 5 кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Мазкур семинар "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизациялаш лойиҳаси доирасида бўлиб ўтди. Семинар-тренингга олий ўқув юртларининг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан тренерлар сифатида жалб этилди ва уларнинг маърузалари қўлланма шаклида чоп этилиб, тингловчиларга тарқатилди [4]. Шунингдек, доривор ўсимликлардан аҳоли ўртасида фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида, фитобарлар ташкил қилиш ва уларда фитоичимликларни тайёрлаш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган (5). Бундай имкониятлар Сирдарё вилоятида доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш ва аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Тахлил натижаларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таклиф қилинади:

- Сирдарё вилоятини инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида вилоятда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш, бунда инновацион воситалар ҳамда имкониятларидан фойдаланиш;
- Сирдарё вилоятида меҳнат ресурслари ва меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларидан бири сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар маркази (ISCAD) ҳамда Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси ҳамкорлигида Сирдарё вилоятида "Аҳоли томорқаларида доривор ўсимликларни етиштириш ва бирламчи қайта ишлашни ташкил этиш" мавзусида

семинар-тренинг ташкил қилиш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини таморқаларидан унумли фойдаланишга жалб этиш.

- Вилоятда етиштирилган доривор ўсимлик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш мақсадида, ишлаб чиқариш ва фан интеграциясини янада ривожлантириш;

- Вилоятда қулай тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш учун доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга оид давлатимиз томонидан берилаётган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/6027139> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-251-сон қарори.
2. Тохтаев Б.Я. Интродукция лекарственных растений на засоленных землях Узбекистана. // Дис. док. биол. наук. –Ташкент, 2009. -307 с.
3. Abdumumin Ganiev, Bakhadirkhodja Temirov, Zamira Pazilbekova, and Mukhammetdin Tajetdinov. Rational use of raw capers growing in Uzbekistan. Topical Problems of Green Architecture, Civil and Environmental Engineering (TPACEE-2021) Volume 284, 2021. DOI <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202128403016>
4. То‘хтаев В.Ҳо., А.Қ.Ганиев, А.К.Ахмаджанова, F.M.Mardonov, N.Q.Asqarova. Dorivor va ziravor o‘simliklarni aholi tomorqalarida yetishtirish hamda ulardan foydalanish. Uslubiy qo‘llanma. “Ilm-ziyo-zakovati” nashriyoti. Toshkent.- 2023.- 126 b.
5. Ganiev A.Q., Bektaeva X.O. Fitobar yuritishda mahalliy xom ashyolardan fitoichimliklar tayyorlash texnologiyasi. Uslubiy qo‘llanma. «Yangi chirchiq book» MChJ.-2023.-53 b.